

Юлдашев Нурбек Нормуродович
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар
институтини катта илмий ходими (PhD)

ИШ БИЛАН БАНД КАМБАҒАЛ АҲОЛИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация: Ушбу мақолада иш билан банд камбағал аҳолини қўллаб-қувватлашга қаратилган механизмларни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари атрофлича ўрганилган. Тадқиқот доирасида амалдаги мавжуд ижтимоий ҳимоя дастурлари, бундан ташқари, ишловчи камбағаллар сони ортишига сабаб бўладиган турли омиллар таҳлил қилинади. Шу билан бирга, ушбу йўналишда жаҳон мамлакатларида мавжуд механизмлар ҳамда уларни Ўзбекистонга жорий этиши мумкин бўлган жиҳатлар борасида таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: камбағаллик, иш билан банд камбағал аҳоли, камбағалликни қисқартириш, бандлик сиёсати, ижтимоий ҳимоя, меҳнат бозори ислоҳотлари, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори (МҲТЭКМ), даромадлар барқарорлиги, инсон капитали.

Юлдашев Нурбек Нормуродович
Старший научный сотрудник Института
макроэкономических и региональных исследований при
Кабинета Министров Республики Узбекистан (PhD)

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ПОДДЕРЖКИ ЗАНЯТОГО БЕДНОГО НАСЕЛЕНИЯ

Аннотация: В данной статье подробно рассматриваются актуальные вопросы совершенствования механизмов, направленных на поддержку занятого бедного населения. В рамках исследования анализируются существующие программы социальной защиты, а также различные факторы, способствующие увеличению числа работающих бедных. Вместе с тем, разработаны предложения по существующим в странах мира механизмам в данном направлении и аспектам, которые могут быть внедрены в Узбекистане.

Ключевые слова: бедность, занятое бедное население, сокращение бедности, политика занятости, социальная защита, реформы рынка труда, оплата труда, минимальный размер оплаты труда (МРОТ), стабильность доходов, человеческий капитал.

Yuldashev Nurbek Normurodovich
Chief Researcher at the Institute of Macroeconomic
and Regional Studies under the Cabinet of Ministers
of the Republic of Uzbekistan (PhD)

IMPROVING SUPPORT MECHANISMS FOR EMPLOYED POOR PEOPLE

Abstract: This article provides a detailed analysis of current issues related to improving mechanisms aimed at supporting the employed poor population. The study examines existing social protection programs and various factors contributing to the increase in the number of working poor people. Additionally, the article proposes recommendations based on existing mechanisms in other countries and aspects that can be implemented in Uzbekistan.

Keywords: poverty, employed poor population, poverty reduction, employment policy, social protection, labor market reforms, wages, minimum wage, income stability, human capital.

Кириш

Маълумки, иш билан бандлик — аҳоли фаровонлигининг асосий шарти сифатида қабул қилинади. Аммо, бугунги кунда кўплаб мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон ҳам, “иш билан банд камбағаллик” (working poverty) деб аталувчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодисага дуч келмоқда. Бу ҳолатда инсон доимий иш ўрнига ҳамда даромадга эга бўлишига қарамай, унинг иш ҳақи оиласини камбағаллик чегарасидан олиб чиқишга ёки минимал ҳаётий эҳтиёжларни қондиришга етмайди.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Жаҳонда бандлик ва ижтимоий ҳимоя истиқболлари: 2026 йилдаги тенденциялар” номли янги ҳисоботида: “Барқарор иқтисодий ўсиш ва ишсизлик кўрсаткичлари бизни нисбатан долзарб муаммодан чалғитмаслиги керак: юз миллионлаб ишчилар ҳали ҳам камбағаллик, норасмий бандлик ва ижтимоий тангликда қолмоқда, аниқроғи жаҳонда 300 миллионга яқин ишчи кунига 3 доллардан кам маош олиб, камбағалликда ҳаёт кечирмоқда. Шу билан бирга, норасмий бандлик кўлами ортиб бормоқда: 2026 йилда 2,1 миллиард киши ижтимоий ҳимоясиз, меҳнат ҳуқуқсиз ва ишга жойлашиш кафолатсиз меҳнат қилиш кутилмоқда.

Айниқса, ривожланиши суст ва паст даромадли мамлакатларда тараққиёт жуда секин кечади, чунки бу мамлакатларда меҳнат шароитлари энг ёмон бўлган ишчилар янада оғир аҳволга тушиб қоладилар” [1].

Ушбу муаммонинг моҳияти шундаки, ишловчи камбағал аҳоли нафақат моддий қийинчиликларни бошдан кечиради, балки уларнинг ижтимоий ҳимоя тизимларига интеграцияси ҳам мураккаблашади. Аксар мамлакатларда ишловчи камбағаллар банд бўлганлиги ва даромад манбалари мавжудлиги учун улар ижтимоий ёрдам дастурларидан чиқарилиб юборилиши мумкин, бу эса “ишлаш зарарли” (welfare trap), яхшиси моддий ёрдамга таяниш зарур, деган фикрни юзага келтиради.

Мазкур мақоланинг мақсади — иш билан банд камбағалликнинг халқаро кўламдаги сабабларини таҳлил қилиш, АҚШ, Европа ва Осиёнинг ривожланган мамлакатларида паст даромадли аҳоли қатламини қўллаб-қувватлашда энг самарали ислохотларни ўрганиш ва ушбу тажрибаларни Ўзбекистоннинг миллий ижтимоий-иқтисодий шароитига мослаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир.

Адабиётлар таҳлили

Иш билан банд камбағал аҳоли тушунчаси ёки қисқача ишловчи камбағаллар тоифасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: иш ҳақи, даромади ёки харажатлари миқдори миллий ёки халқаро даражада белгиланган камбағаллик чегарасидан паст бўлган аҳоли қатлами. Хорижий илмий адабиётларда камбағал ишловчиларнинг иккита таърифи мавжуд бўлиб, улар таҳлилий жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади, аммо эмпирик жиҳатдан қатъий боғлиқдир. Биринчи таърифда индивидуал характер кўзга ташланади, яъни маоши мамлакат бўйича белгиланган медиана чегарасидан паст бўлган

ишчилар ҳисобланади. Иккинчида эса оиланинг жами иш ҳақидан олинган даромадлари жон бошига тақсимланганида белгиланган чегарадан паст бўлганида камбағал ишчи таърифи қўлланилади.

Халқаро меҳнат ташкилоти таърифида эса “иш билан банд камбағал” - уй хўжаликларидаги иқтисодиётда банд бўлган, бироқ маоши белгиланган камбағаллик чегарасидан паст бўлган аҳоли ҳисобланади, дейилган [2]. Камбағалликка тушиб қолиш хавфи бўлган аҳоли эса камбағаллик чегарасидан юқорида, аммо ушбу қийматнинг 1,5-2 баробаридан паст бўлган даромад олувчи банд аҳоли ҳисобланади.

Иш билан банд камбаллар борасида тадқиқот олиб борган хорижий олимлар уларни пайдо бўлиши ва таркибий хусусияти борасида турлича фикрларни олға суришган. Мисол учун, британиялик социолог Г.Стендинг (2011) жамиятда ишловчи камбағалларнинг пайдо бўлиши ва ортиб боришида институционал ислохотлар, шунингдек маҳаллий ҳукуматларнинг нотўғри сиёсатини сабаб сифатида кўрсатар экан, у жумладан замонавий дунёда меҳнат муҳожирлари, фрилансерлар ва ёлланиб ишловчиларнинг айрим меҳнат ва иқтисодий ҳуқуқлари чекланиши “камбағал-ишчи” тоифаси пайдо бўлишига сабаб бўлади, деган хулосага келган [3]. Бундан ташқари, М.Равалльон (2016) “камбағал ишчилар тоифасининг ортишига уларнинг паст малакаси, таълим олмаганлиги ва меҳнат бозорида паст иш ҳақига эга иш ўринлари мавжудлиги”ни асосий сабаблар сифатида кўрсатади[4].

Ишловчи камбағаллар тоифасининг ортишига ижтимоий-демографик жараёнлар, жумладан оилаларнинг катталиги ва фарзандлар сони, демографик юк (оилада бир нафар ишловчига тўғри келадиган қарамоғидалар сони) ва ижтимоий ҳимояга муҳтожлик каби омиллар биринчи навбатда сабаб бўлади деган фикрни қатор олимлар, жумладан, М.Клейн (2003) ва бошқа олимлар ишчи ҳар қанча юқори маош олса ҳам, агар уни қарамоғида боқувчилар сони кўп бўлса, даромаднинг оиладагилар сонига тақсимотидан келиб чиқиб у ва оила камбағал бўлиб қолиш эҳтимоли ортади, ёки оилада ижтимоий аҳамиятга эга, доимий касалликка чалинган ҳамда ногиронлиги бўлган аъзоларнинг бўлиши ўрта ва паст даромадли ишчини тобора камбағаллик “тубига” тушириб юбориши мумкин. Бунинг натижасида ижтимоий ҳимоя тизимига босим ошиши кутилади [5]. Б.Ландсберг (1990) ҳам ўз тадқиқотларида “иш ҳақининг миқдори шахснинг камбағал ёки бой эканлигини белгиловчи ягона ва ҳал қилувчи омил эмас. Камбағалликни аниқлашда “уй хўжалигининг истеъмол бирлиги” (household consumption unit) тушунчаси марказда туриши зарур”, деган фикрни олға суради. Шунингдек, олим инсон меҳнат бозорида ўртача иш ҳақи олиши мумкин, лекин унинг қарамоғидаги ишламайдиган аъзолар (болалар, қариялар, ногиронлиги бор шахслар) сони кўп бўлса, унинг реал даромади камбағаллик чегарасидан пастга тушиб кетади, дейди[6].

Жаҳон банки томонидан эълон қилинган қатор таҳлилий маълумотнома ва шарҳларда (2003, 2024, 2025) ишловчи камбағаллар сони ортиши ёки камайишига жамиятда барча учун ижтимоий инфратузилмаларнинг яхшиланиши, сифати ва аҳоли, айниқса камбағаллар учун ижтимоий хизматлар

нархининг мақбуллиги “камбағал ишловчилар” сонини камайишига хизмат қилади[7],[8]. Бундан ташқари, А.Сен [9], А.Банержи ва Э.Дюфло каби камбағалликни қисқартириш соҳасида Нобел мукофотига сазовор бўлган машҳур олимлар ҳам бевосита ишчи камбағаллар сони камайиши учун улар яшаб турган жамиятда инфратузилмадан фойдаланиш имкониятлари чекланмаслигини қайд этишган.

Ишловчи камбағаллар ва инфратузилма боғлиқлигини ўрганишда Жаҳон банки иқтисодчиси Шахидур Ханкдер методологияси дунёдаги энг машҳур ёндашувлардан бири ҳисобланади [10]. Олимнинг методологияси асосан “инфратузилмага киритилган инвестицияларнинг камбағалликни қисқартиришга таъсирини баҳолаш”га қаратилганлиги билан ажралиб туради. Ханкдернинг фикрича, инфратузилма (айниқса йўллар ва электр таъминоти) камбағалликни икки йўналишда: тўғридан тўғри таъсир этиш, яъни транспорт харажатлари камаяди, маҳсулот сотиш осонлашади. Билвосита таъсир эса ноқишлоқ хўжалиги (non-farm) соҳаларида янги иш ўринлари яратилади, бу эса “ишловчи камбағаллар”нинг даромади диверсификация бўлишига олиб келади.

Тадқиқот методологияси

Мақолада иш билан банд камбағал аҳоли, уларни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш ҳамда жорий ҳолатларни баҳолашда қатор тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Жумладан, умумий, статистик ва қиёсий, эмпирик ҳамда SWOT таҳлил усулларидан фойдаланилди. Бундан ташқари, ишловчи камбағаллар улушини аниқлаш методологияси, банд аҳоли даромадларини ошириш ва уларни камбағалликка тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган чора-табдирлар бўйича Россия Федерацияси, Европа иттифоқи ва Болтиқбўйи, Покистон, Индонезия, Гонконг каби мамлакатлар тажрибалари ўрганилди ҳамда уларнинг амалиёти қиёсий таҳлил қилинди. Шунингдек, мақолани тайёрлашда мамлакатимиздаги қатор вазирлик ва идоралар, Жаҳон банки ва Халқаро меҳнат ташкилоти маълумотларидан ҳам фойдаланилди.

Ушбу усуллар иш билан банд камбағал аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш борасида амалий таклифлар ишлаб чиқиш имконини берди.

Асосий қисм

ХМТ таҳлилларига кўра, 2025 йилда даромадлари жон бошига кунига 3,0 АҚШ долларидан (харид қобилияти паритети бўйича) паст бўлган ишловчилар бор уй хўжаликлар улуши дунё бўйича 7,9 %ни (284,4 млн киши), Марказий ва Ғарбий Осиёда 0,6 %ни, Ўзбекистонда эса 2,4%ни (0,4 млн киши) ташкил этган. Мамлакат жаҳон кўрсаткичларига нисбатан бирмунча ижобий рақамларга эга бўлса-да, камбағалликка тушиш хавфи остидаги ёки паст даромадли ишчилар тоифасидагилар ҳам камбағал ишчилар сони билан деярли тенглигича қолмоқда. ХМТ баҳоларига кўра, салкам 800,0 минг ишловчи камбағал ва камбағаллик хавфи остида ҳаёт кечираётгани маълум [11].

Шу ўринда ўтган йили иқтисодий ўсишнинг глобал даражада секинлашиши оқибатида реал иш ҳақининг пасайиши деярли бутун дунёда рўй

берганини қайд этиш лозим. ХМТ ҳисоб-китобларига кўра, паст даромадли мамлакатларда аҳолининг умумий бандлик даражасига ҳамоҳанг тарзда ишловчи камбағаллар сони ҳам 1 млн кишига ортган бўлса, камбағалликка тушиш хавфи остидаги (қунига жон бошига 4,2 доллардан кам даромадга эга банд аҳоли) ишчилар 8,4 млн. кишига кўпайган [11].

Умуман олганда, иш билан банд камбағаллар (*working poverty*) тушунчаси, ёки даражаси умумий камбағалликдан нимаси билан фарқланади, ушбу тушунча хориж мамлакатлари тажрибаларида қандай тавсифланишига эътиборни қаратиш лозим. Бу борада мамлакатларнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражаси, ишловчи камбағалларга бўлган ҳукуматларнинг муносабати ва бошқа омиллар инобатга олинган (1-жадвал). Аксар Европанинг ривожланган мамлакатлари камбағаллик даражасини аҳоли жон бошига даромадларнинг медианасидан (нисбий камбағаллик) келиб чиқиб ҳисоблайдиган бўлса, ривожланаётган мамлакатларда монетар камбағаллик (мутлак) усулидан фойдаланган ҳолда ишловчи камбағаллик даражасини аниқлаш йўлга қўйилган.

Хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш асносида уларда камбағал ишчиларни қўллаб-қувватлаш механизмлари ҳам таҳлил қилинди (2-жадвал). Таҳлилларга кўра, баъзи мамлакатларда ишловчи камбағалларнинг иш ҳақига солиқ ва бошқа кўринишда имтиёзлар қўлланса, айримларида ишловчи камбағаллар малакасини ошириш ва бошқа шаклдаги меҳнат бозори механизмлари фаол юритилади. Ҳар қандай механизмларнинг пировард мақсади ишловчи камбағал ёки унинг оиласини истеъмол қобилятини ошириш, жамиятдаги барча ижтимоий имкониятлардан фойдалана олишига шароит яратиш, шу билан бирга солиқ тўловчи сифатида жамиятда иштирок этишига замин яратиш мақсад қилинган. Бундан ташқари, айрим мамлакатларда норасмий бандликни қисқартириш ва аҳолини ўзини ўзи банд қилиш ҳамда тадбиркорликка жалб этишга қаратилган механизмлар ҳам камбағал ишчилар тоифасини қисқартиришнинг ўзига хос йўлларида бири сифатида кўрилади.

Иш билан банд камбағаллик тушунчасига таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинганида, барча омилларни икки тоифага бўлиш мумкин: Камбағал ишчи ёки унинг оиласи билан боғлиқ индивидуал характердаги омиллар ва институционал омиллар. Уларнинг ҳар бири ўз навбатида қатор кичик омилларга бўлинади (1-чизма). Ҳар икки йўналишда умумий ва уларга ўзаро боғлиқ бўлган омиллар ҳам мавжуд бўлиб, мисол учун ишчининг камбағал бўлишига таъсир этувчи бирлмачи омил ҳисобланган иш ҳақининг пастлиги ҳам ишчининг ўзига, ҳам мавжуд институционал тартибларга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Умуман олганда инсоннинг бир вақтда иш билан банд бўлиши ва камбағалликда ҳаёт кечиришига демографик (оиланинг катталиги ёки меҳнатга лаёқатсизларнинг кўплиги), иқтисодий (паст маош олиши, малакасининг пастлиги, иқтисодий инқироз), ижтимоий (маълумотининг йўқлиги, саломатлиги, ногиронлиги) ва бошқа омиллар аралаш ҳолда таъсир

қилади. Иш билан банд камбағалликка таъсир этувчи омиллар тавсифланганида ҳеч қайси энг асосий ёки энг кам таъсир этувчи шаклида ажратилилмайди. Фақат ҳудуддаги мавжуд вазиятдан келиб чиқиб омилларни муҳимлигига кўра тавсифлаш мумкин.

№	Мамлакат	Камбағаллик чегараси	Услугиёт
1.	Германия	EU-SILC (ЕИда аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлиги статистикаси) услугиёти бўйича уй хўжалиги даромади жами аҳоли даромадининг ўртача (медиа) 60,0%идан кам бўлса камбағал ҳисобланади.	Ойлик маоши белгиланган медиананинг 60,0%идан паст бўлган ишловчилар камбағал ишчилар ҳисобланади.
2.	Руминия	EU-SILC услугиёти бўйича белгиланади, фақат Руминияда белгиланган ўртача даромаднинг 60,0%идан паст бўлиши лозим.	Ойлик маоши белгиланган медиананинг 60,0%идан паст бўлган ишловчилар камбағал ишчилар ҳисобланади. Ишловчи камбағаллик даражаси камбағаллар тоифасининг иш билан банд бўлганлар тоифасига ўтиш йўли билан ҳам ўлчанади. Бунда ҳисоблашнинг икки усулидан фойдаланилади: биринчисида фақат маълум бир вақтда мавжуд бўлган даромадни ҳисобга олса, иккинчи усулда ишловчи камбағалнинг моддий бойликларига кўра ҳам аниқлаш мумкин.
3.	Нидерландия	EU-SILC услугиёти бўйича белгиланади, фақат Нидерландияда белгиланган ўртача даромаднинг 60,0%идан паст бўлиши лозим.	Ойлик маоши белгиланган медиананинг 60,0%идан паст бўлган ишловчилар камбағал ишчилар ҳисобланади. SCP (Нидерландия ижтимоий тадқиқотлар институти) уй хўжалиги ихтиёрида бўлиши шарт бўлган энг кам бюджетни ифодалайдиган иккита миқдорни эълон қилади. Улар оиланинг асосий (озик-овқатлар, кийим-кечаклар ва уй-жой харажатлари) ва қўшимча харажатларга (оиланинг ижтимоий ҳаётдаги иштирокчи учун, мисол учун, таълим, тиббиёт, маданият ва ҳок) сарфланадиган харажатларидан иборат. Шу икки миқдорни таъминлай олмайдиганлар ишловчи камбағал ҳисобланади.
4.	Гонконг	Аҳоли ўртача даромадининг 50,0%и чегара этиб белгиланган.	Бир ойлик даромади ўртача уй хўжаликлари даромадининг 50% дан паст бўлган ва камида битта ишчи аъзоси ишлайдиган уй хўжаликлари камбағал уй хўжаликлари ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда иш билан банд камбағаллар улушини аниқлаш бўйича услугиётлардан намуналар

№	Мамлакат	Камбағаллик чегараси	Услугиёт
	Индонезия	Мамлакат миллий камбағаллик чегараси 2023 йилда оиланинг жами даромади жон бошига 550,5 минг индонез рупийсига тенг қийматда белгиланган. Ушбу қиймат икки компонент: озиқ-овқат (74,2%) ва ноозиқ-овқатлар (25,8%)га бўлинади.	Ишловчи камбағал - бу камбағал хонадонда яшовчи иш билан банд бўлган шахсдир. Ушбу таъриф меҳнат бозорида ҳафта давомида камида бир соат иш ҳақи ёки фойда олиш учун ишлаган ёки иш билан таъминланган, аммо таътил, касаллик варақалари ёки бошқа имтиёзларга эга бўлмаган 15 ёшдан катта ишчига берилиши мумкин.
5.	Покистон	Минимал қиймат сифатида суткасига жон бошига ХҚП бўйича 3,0 АҚШ доллари белгиланган бўлиб, миллий камбағаллик чегараси катта ёшдаги одамнинг суткасига 2450 ккал қийматидаги озиқ-овқатларга сарфланадиган маблағ билан белгиланган.	Белгиланган миллий камбағаллик чегараси қийматидан паст даромад билан яшаётган, бироқ иш билан банд инсон камбағал ишчи ҳисобланади. Мамлакатда ишлаётган камбағалларнинг паст ва юқори чегараларини аниқлаш йўлга қўйилган. Бунда юқори чегара қуйидаги тенглама ёрдамида ҳисобланади: Ишловчи камбағаллик даражаси = умумий камбағаллик даражаси * жами аҳоли (бу ерда 15 ёш ва ундан катталар). Баҳолашни пастки чегараси қуйидаги тенглама ёрдамида ҳисобланади: ишчи камбағаллар = камбағаллик даражаси*бандлик.
6.	Буюк Британия	Камбағаллик чегараси одатда уй-жой харажатларини ҳисобга олмаган ҳолда ўртача даромаднинг 60% дан паст бўлганда белгиланади Бироқ мамлакатда ўта камбағаллик даражаси ҳам ҳисобланиб, у даромад медианнинг 40% дан кам бўлганида белгиланади.	Мамлакатда ишловчи камбағалликнинг ягона таърифи йўқ, аммо ҳукумат идоралари томонидан қўлланиладиган таърифлар концептуал жиҳатдан EU-SILC таърифларига ўхшашдир. Асосий фарқлар сифатида ишловчи камбағаллар даромадининг камбағаллик чегарасига нисбатини ҳисоблашда инфляция ва уй-жой харажатлари инобатга олинади.
7.	Франция	Аҳоли ўртача даромадининг 50,0%и чегара этиб белгиланган.	Уй хўжалиги ёки оиланинг жами даромади белгиланган камбағаллик чегарасидан паст даражада даромад олаётган оилада яшаётган ишлаётган шахс ишловчи камбағалдир. Шу билан бирга, Миллий статистика ва иқтисодий тадқиқотлар институти Eurostat томонидан қўлланиладиган бандликнинг муқобил таърифидан ҳам фойдаланади, яъни “олти ой давомида фаол иш қилирган ва камида бир ой ишлаган, бироқ камбағалликда яшаётган шахс камбағал ишчи ҳисобланади”.

*муаллиф ишланмаси.

**Ишлаётган камбағалларни қўллаб-қувватлаш механизмларидан
намуналар**


№	Мамлака т	Механизмлар
1.	Австрия	<p>Ҳукумат ислоҳотлари Ҳукуматнинг камбағал ишловчилар учун амалга оширган энг эътиборли ислоҳотлари — 2016 йил 1 январдан кучга кирган янги солиқ маъмурчилигида акс этган. Жумладан, ишловчи камбағалларнинг истеъмол даражасини ошириш мақсадида уларнинг меҳнатини солиққа тортиш камайтирилган. Хусусан, энг паст даромад кўрувчи 1-тоифали солиқ тўловчилар ставкаси 36,5 %дан 25,0%гача туширилган. Бундан ташқари, солиққа тортиладиган даромаднинг энг пастки чегараси 50,0%га, яъни йилига 60 мингдан 90 минг еврогача оширилди.</p> <p>Касаба уюшмаларининг ҳаракатлари Австрия касаба уюшмалари Федерациясининг асосий ислоҳотлари ишловчи қабағалларни тўлиқ иш вақти билан таъминлаш, паст маошли ишчиларни солиқларини янада камайтиришга қаратилан.</p>
2.	Болгария	<p>Ҳукумат ислоҳотлари Болгарияда ишлайдиган камбағаллар сонини камайтиришнинг асосий усули энг кам иш ҳақини мутаносиб тарзда ошириш белгиланган. Бундан ташқари, энг кам иш ҳақи миқдори мамлакатда белгиланган яшаш минимумидан кам бўлмаслигига ҳаракат қилинган. Мисол учун, 2016 йилда мамлакатда яшаш минимуми миқдори (камбағаллик чегараси) 153 евро этиб белгиланган бўлса, энг кам иш ҳақи 168 евро бўлган. Ўша йил якунида мамлакатда ўртача ойлик моша миқдори эса 488 евро ни ташкил этган.</p> <p>Касаба уюшмаларининг ҳаракатлари Болгария мустақил касаба уюшмалари Конфедерацияси (СИТУБ) солиқсиз чегара ва прогрессив солиққа тортиш орқали энг кам ҳақ тўланадиган ишчиларнинг соф даромадини оширишга қаратилган сиёсатни олға суради. Бундан ташқари конфедерация Болгария саноатчилар уюшмаси билан ҳамкорликда саноатда паст маошли ишчиларнинг жамоа шартномаларини кучайтириш ва уларнинг фаолиятини суғурталаш механизмларини йўлга қўйган.</p>
3.	Франция	<p>Ҳукумат ислоҳотлари 2007 йилдан бошлаб Францияда камбағал ишчилар сафини камайтиришга қаратилган фаол ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, 2016 йилдан бошлаб ишчиларнинг меҳнат фаоллиги учун кўшимча тўлов (prime d'activité) жорий этилган. Бу механизм ишчининг дастлабки даромадларидан бошлаб истеъмол қобилиятини оширишга қаратилган бўлиб, турли маъмурий чораларни енгиллаштиришга ҳам ёрдам беради. Тизим ишчининг маоши 1400 еврога етгунича уларга кўшимча нафақа тўлаб боришга асосланган. Бу ҳолат паст маошли ишчининг солиқ тўлаш имкониятларини ҳам оширишга хизмат қилади. 2016 йилда мамлакатда 2,3 млн уй хўжаликлари (ёки 4,7 млн киши) ушбу бонусдан фойдаланган. Бундан ташқари, Францияда ёш ишловчи камбағаллар субсидияланган иш ўринларига жойлашиш имконига эга, ўша йили 250 минг нафар ёшлар шундай иш ўринларига жойлашган бўлса, аёллар жами иш ўринларининг 2/3 қисмини эгаллаган.</p>
4.	Венгрия	<p>Ҳукумат ислоҳотлари</p>

		<p>Венгрияда камбағал ишловчилар учун солиқ имтиёзлари иш берувчиларнинг ижтимоий бадаллари ўрнида мақсадли имтиёзларга алмаштирилди. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунда кам таъминланган ишчилар тоифалари, масалан, 25 ёшгача ва 55 ёшдан ошганлар, паст малакали, узоқ муддатли ишсизлар ва ёш оналар учун солиқ юкини сезиларли даражада камайтириш таклиф қилинган. Иш берувчиларнинг ижтимоий бадаллари орқали кўрсатиладиган ёрдам меҳнат бозорида мақсадли гуруҳларга бўлган талабнинг ошишига ёрдам беради. 2016 йил охирига келиб, дастур ушбу соҳада ишлайдиганларнинг учдан биридан кўпроғи учун солиқ юкини камайтирди</p> <p>Касаба уюшмаларининг ҳаракатлари Мамлакат касаба уюшмалари сиёсатида энг муҳим йўналиш — “камбағал ишловчилар сонини қисқартириш дастури” ҳисобланади. Дастур 2014 йилда мамлакат касаба уюшмалари ва мустақил уюшмалар томонидан илгари сурилган. Дастурдаги энг муҳим жиҳатлар сифатида ишчиларнинг тўлиқ иш вақтида фаолият олби боргани чун оладиган маоши яшаш минимумидан кам бўлмаслиги кўрсатилган. Бироқ мамлакат ҳукумати ва иш берувчилар ушбу талабларни қабул қилмади ва фақат уюшмаларнинг қаттиқ талабидан сўнг 2018 йилдан бошлаб ушбу меъёр кучга киритилди.</p>
5.	Латвия	<p>Ҳукумат ислоҳотлари Сўнгги 10-15 йилда Латвия ҳукумати кам ҳақ тўланадиган ишчиларга солиқ юкини камайтиришга қаратилган қатор ўзгаришларни амалга оширди. Солиқ ставкаси 2015 йилдаги 41,9 %дан 2026 йилга келиб 25,5 %гача камайтирилди, даромад миқдорининг солиққа тортилмайдиган қисми эса бу даврда ойига 75 евродан 700 еврогача кўтарилди. Бундан ташқари, бу даврда ижтимоий суғурта бадаллари ставкалари пасайтирилди.</p>
6.	Португалия	<p>Ҳукумат ислоҳотлари Ҳукуматнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган XXI-дастури камбағал оилалар ва ишчиларнинг даромадлари камайишини олдини оладиган чора-тадбирлар мажмуидан иборат; бундан ташқари дастурда иш ўринларини яратишга кўмаклашиш ва меҳнат бозори барқарорлигига эришиш, камбағаллик ва тенгсизликни камайтиришга қаратилган ижтимоий сиёсатни мустаҳкамлаш кабилар мавжуд. Ушбу чора-тадбирларнинг баъзилари 2016 йилдан бошлаб амалга оширилди (масалан, миллий энг кам иш ҳақини ошириш ва давлат секторида номинал иш ҳақини пасайтирмаслик).</p>
7.	Руминия	<p>Ҳукумат ислоҳотлари Европа мамлакатлари орасида ишловчи камбағаллар улуши энг юқори бўлган давлатлардан бири бўлган Руминияда ушбу тоифага кирувчи энг катта қатлам қишлоқ хўжалигида бандлардир. Мамлакатда 2015-2020 йилларга мўлжалланган ижтимоий интеграция ва камбағалликни камайтириш Миллий стратегияси қабул қилиниб унда кам даромадли ва норасмий банд бўлган ишчиларни расмий иш билан таъминлаш, ижтимоий ёрдам дастурларини амалга ошириш, ишчиларнинг малакаси ва касбий қобилиятини оширишга қаратилган чоралар белгиланган. Стратегияда айниқса, камбағал ишчилар улуши юқори бўлган қишлоқ ва чекка ҳудудларда алоҳида эътибор қаратилган.</p>

*муаллиф ишланмаси.

Ўзбекистонда ҳам амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўтган йиллар мобайнида иш билан банд камбағал аҳоли тоифасини ҳар тарафлама қўллаб-қувватлашга қаратилган. Иш ҳақини йиллик инфляциядан кам бўлмаган ҳолда мунтазам ошириш, кам маошли ишчиларни қўллаб-қувватлаш, турли ижтимоий реестрларга киритилган ишчиларга имтиёз ва преференциялар, кредит, субсидия

ва ссудалар ажратиш, шунингдек ёшлар ва ишсизларни замонавий касбларга ўқитиш, малакасини ошириш каби кўплаб чоралар натижасида ишловчи камбағаллар улуши ХМТ таснифи бўйича 2018 йилдаги 25,8 %дан 2,4 %гача пасайган [11]. Ушбу рақамлар умумий камбағаллик даражасига (2025 йил якунида 5,8%) нисбатан сезиларли паст эканлигини қайд этган ҳолда, бир жиҳатни ёддан чиқармаслик зарур: камбағал аҳолининг бошқа тоифасига нисбатан ишловчи камбағалликни тезроқ ва самаралироқ қисқартириш, камбағалликдан чиқариш мумкин.



1-чизма. ЕИда иш билан банд камбағалликка таъсир этувчи омиллар тавсифи [12].

Бу борада 2019 йилнинг 18 январида қабул қилинган Вазирлар Маҳкамасининг 47-сон “Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасига ўзгартириш киритиш ҳақида”ги қарори билан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг куйи 3 та разряди мос равишда 15,0, 10,0 ва 5,0 %га оширилганлиги нисбатан паст маошли ишловчиларга кўрсатилган ёрдамнинг бир кўриниши дейиш мумкин [13].

Ўзбекистонда ишловчи камбағаллар сони ўзгаришига таъсир қилган яна бир омил — иш ҳақининг муттасил оширилиб бориши орқали кам маошли ишчиларни қўллаб-қувватланаётганидир. Мисол учун, ойлик маоши Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига (МХТЭЖМ) тенг суммагача бўлган ишчиларнинг сони сўнгги 7 йилда инфляцияга нисбатан олганда ҳам сезиларли камайганини кўриш мумкин. Бу миқдор биринчи навбатда минимал истеъмол харажатларининг тақрибан 1,5 баравари ҳисобланиб, бу халқаро ва Ўзбекистон услубиётига кўра, даромадлари бўйича монетар камбағалликка тушиш хавфи остидаги ишчининг ойлик маошига тенг бўлиб, ишчининг оила аъзоларига

(агар ишчи оила билан яшаса) тақсимланганида МИХдан паст рақамлар юзага келади.

2018-2024 йилларда Ўзбекистонда ходимларнинг иш ҳақи миқдори бўйича (қишлоқ хўжалиги, хусусий тадбиркорлик ва ННТларда ишловчилар инобатга олинмаган) таркиби таҳлил қилинганда, энг паст маош олувчилар сони 2023 йилгача камайиб келиб, ундан сўнг келиб сезиларли ортган. Бунга сабаб сифатида мамлакатда норасмий бандликни қисқартириш, иш ўринларини “соя”дан чиқариш, пенсия, даромад солиғи ва бошқа тўловларни тўлайдиган расмий иш ўринларини кўпайтириш борасидаги ислохотлар натижасини кўрсатиш мумкин (3-жадвал). Таҳлил қилинаётган йилларнинг сўнгги учтасида камбағалликка тушиш хавфи остидагилар сони бироз ортган.

3-жадвал

**Камбағал ишчилар тоифасига кириши мумкин бўлган ишловчи
ходимлар бўйича маълумотлар***

Кўрсаткичлар	2018 йилда	2019 йилда	2020 йилда	2021 йилда	2022 йилда	2023 йилда	2024 йилда
Жами ишловчи ходимлар сони, <i>минг киши</i>	2752,1	2763,3	2899,2	2972,0	3114,1	5489,2	5623,5
МХТЭКМнинг 1 бараваридан кам маош олувчилар улуши, % <i>да</i>	0,02	0,03	0,01	0,01	0,004	16,9	14,5
Камбағалликка тушиш хавфи остидаги (МХТЭКМнинг 1-2 бараварида маош олувчи) аҳоли улуши, % <i>да</i>	14,6	36,4	35,2	34,1	27,9	29,1	30,2
МИХ қийматининг МХТЭКМга нисбати, <i>баробар</i>				1,9	1,8	1,7	1,6

*Ноябрь ойи учун ҳисобланган.

Жадвал Солиқ қўмитаси [14] ва очиқ манбалар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Шу билан бирга, камбағал ишчилар орасида аёллар улушидаги ўзгаришлар ҳам ўзига хос суръатни кўрсатади. Жумладан, расмий иш ҳақи олиб ишловчи ходимларнинг умумий сонидан аёллар улуши сўнгги 7 йилда сезиларли ошгани норасмий бандликнинг қисқаришида аёллар учун иш ўринлари кўпайгани билан изоҳланса, “камбағал ишчилар” орасида хотин-қизлар улуши бу даврда камайгани ҳам ўзига хос ижобий ҳолатни кўрсатади (4-жадвал). Аслида паст маошли ишчилар аёлларда кўпроқ бўлиши, аниқроғи меҳнат бозорларида эркакларга нисбатан аёллар учун тўланадиган маош миқдори умумий ҳолатда камроқ бўлиши кузатилади.

4-жадвал

Расмий иш ҳақи олиб ишловчи ходимлар орасида аёллар улуши, %*да**

Кўрсаткичлар	2018	2020	2022	2024
Жами ишловчи ходимлар сонига нисбатан	52,0	51,8	51,8	57,3
Шундан МХТЭКМнинг 1 бараваридан кам маош олувчи ишчилар (камбағал) сонига нисбатан	53,8	67,2	60,8	48,6
Паст даромадли (камбағалликка тушиш хавфи остидаги) ишчилар сонига нисбатан	64,3	63,7	64,0	56,1

*Ноябрь ойи учун ҳисобланган.

Жадвал Солиқ қўмитаси ва очиқ манбалар асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Иш билан банд камбағал аҳоли сони ва суръати ортишига уларнинг маълумот ва касб-ҳунарга эгаллиги, малака даражаси, меҳнат бозорига мослашувчанлиги ва мобиллик даражаси нисбатан пастлиги ҳам таъсир этади.

Мисол учун, Ўзбекистонда 2024/2025 ўқув йили бошида 18-23 ёшдаги аҳоли орасида олий маълумотлилар улуши салкам 48,0%га, ўрта таълимни биртирувчиларнинг олий таълимга қамраб олиниши 44,%га етган.

Бироқ 2024-2025 йилларда Макроиктисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти олимлари томонидан Сирдарё вилоятининг барча туман ва шаҳарларининг 42 та маҳалласидаги 650 дан ортиқ камбағал оилаларда ўтказилган сўров натижаларига кўра, респондентлар ва оила аъзоларининг бор-йўғи 8,0%и олий маълумотга, 39,0%и бирор касб-ҳунарга эгаллигини маълум қилган. Бундан ташқари, ушбу тадқиқотда қатнашган респондентларнинг 36,0%и камбағалликка тушиб қолишига олий маълумотга эга бўлмаганлигини кўрсатган ва келажакда болаларини камбағал бўлиб қолмаслиги учун 25,% респондент уларни касб-ҳунарга ўқитиш кераклигини, 42,%и эса олий маълумотга эга бўлиш зарурлигини билдирган.

Шу билан бирга, иш билан камбағаллар сони ортишига уларнинг норасмий секторда ижтимоий-ҳуқуқий ва меҳнат ҳуқуқлари таъминланмаслик натижасида паст даромад олиши ҳам сабаб бўлиши мумкин. Чунки норасмий секторда биринчидан даромадлар барқарор бўлмаслиги мумкин, иккинчидан улар келгусида пенсия ва бошқа ижтимоий тўловларни олмаслик эҳтимоли ортади.

Ўзбекистонда камбағал ишловчиларнинг аниқ сони, таркиби ва йиллар давомидаги ўзгаришлари бўйича батафсил статистик маълумотлар мавжуд эмас. Халқаро меҳнат ташкилоти баҳолари ва юқоридаги солиқ органларидан олаётган маоши миқдоридан келиб чиқиб ишловчи камбағалларнинг тақрибий сонини ҳисоблаш мумкин. Аммо бу йўналишда мукамал илмий таҳлиллар учун анкета-сўров ўтказиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан муаллиф томонидан 2025 йил якунида республиканинг 5 та ҳудуди — Андижон, Жиззах, Қашқадарё ва Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳридаги амалда иш билан банд бўлган 718 нафар респондент ўртасида сўров ўтказилди. Сўровда асосан респондентларнинг оилавий ҳолати ва таркиби, маълумотлилиги, иш стажи, бандлик йўналиши (иктисодиёт тармоғида), олаётган маоши ва бошқа даромадлари, маош ва даромадни ошириш учун кўрилаётган чоралари ва бошқа саволлар бўйича маълумотлар тўпланди.

Жавоблар бўйича олинган натижалар қуйидагилардан иборат бўлди.

1. Респондентларнинг 72,0%и олий маълумотли, 16,0 %ўрта махсус ва 11,0%и ўрта маълумотга эга. Олий маълумотлилар улушининг юқори эканлигининг асосий сабаби — респондентлар фақат амалда иш билан банд фуқаролар орасидан танлаб олинганлигидир.

2. Сўровда қатнашганларнинг 73,%и расмий давлат ишида ишлашини, 10,0%и норасмий банд эканлигини, яна 9,0%и хусусий секторда ва 8,0%и

мавсумий ва кунлик ишларда ишлашини билдирганлиги юқоридаги маълумотлилик бўйича натижаларни бирмунча тасдиқлайди.

3. Респондентларнинг 13,0%и иш стажига эга эмаслигини билдирган бўлса, 25,0%и 1-5 йиллик, 23,0%и 6-10 йиллик, 27,0%и эса 11-20 йиллик стажга эга эканлигини айтган. Сўров иштирокчиларининг 12,0%и 21 ва уйнда кўпроқ иш стажига эга тажрибали ишчилар эканлиги маълум бўлди.

4. Сўровда қатнашганларнинг оиласида қарамоғидагилар сони бўйича таркибига қарайдиган бўлсак, 5 ва ундан кўп киши борлар 34,0%ни, 3-4 нафарлилар 45,0%ни ташкил этади. Шунингдек, 11,0% респондентларда 2 нафардан, 6,0%ида эса 1 нафардан қарамоғида яқинлари бор. Иштирокчиларнинг 4,0%и эса якка ўзи яшайди.

5. Респондентлардан иқтисодиётнинг қайси тармоқларида бандлиги сўралганида, 266 нафар киши (ёки 37,0%) давлат бошқарув органларида, 20,0%и эса ижтимоий хизмат ва таъминот соҳасида ишлашини билдирган. Ушбу ҳолат сўровнома онлайн (гугл-платформа) ўтказилганлиги ва унга иштирок этишда давлат хизматчилари бошқа соҳаларга нисбатан тезроқ ва аниқроқ жавоб бера олишлиги билан изоҳланиши мумкин. Сўровда иштирок этганларнинг 14,0%и таълим соҳасида, яна 7,0%дан қурилиш ва қишлоқ хўжалигида ишлаётганлар, 5,0%и тиббиёт ва 4,0 %и савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизматда бандлигини билдирган.

6. Сўровда қатнашганларнинг 28,0%и олаётган маоши ва даромадлари оиласидаги жон бошига тақсимланганида ойига 1 млн сўмга етмаслигини билдирган бўлса, 36,0% иштирокчида ушбу кўрсаткич 1-2,9 млн сўм оралиқда. Жон бошига ойига 3-4,9 млн сўмдан маош ва даромад топаётганлар 21,0%ни, 5,0 млн сўмдан кўп топаётганлар 15,0%ни ташкил этди. Ушбу натижалар сўралганлар орасида нисбатан камбағал ишчи деб ҳисоблаш мумкин бўлганлар улуши бироз юқорилигини кўрсатади.

7. Жами оиавий даромадда иш ҳақининг улуши қанчалиги бўйича берилган саволга иштирокчиларнинг 38,0%и даромади тўлиқ иш ҳақидан иборатлигини билдирган. Жами даромадининг 75-100 %ини иш ҳақи ташкил этадиганлар 15,0%, 50-75% ташкил этадиганлар эса 20,0%ни кўрсатган. Респондентларнинг 26,0 %ида эса жами даромаднинг ярмини ойлик маош ташкил этади.

8. Тадқиқот иштирокчиларидан “Сўнгги 3-5 йилда оиланинг моддий аҳволи қанақа ҳолатда?” деб савол берилганида натижалар бироз оптимистик кайфиятда эканлигини кўриш мумкин: сўралганларнинг 38,0%и “бироз яхшиланди” дея жавоб берган бўлса, 33,0%и “сезиларли яхшиланди”, 17,0%и “ўзгаришсиз қолмоқда”, 9,0%и “бироз ёмонлашди” ва 2,0 %и “кескин ёмонлашди” деган.

9. Респондентлардан “Яхши маош таклиф этилса яшаш жойидан кўчиб кетадими?” деб сўралганида 43,0%и “йўқ” дея жавоб берганлиги, уларнинг маоши ва даромади нисбатан қониртираётгани ёки ўз яшаш жойини ўзгартириш хоҳиши йўқлиги каби бошқа омиллар сабаб бўлиши мумкин. Сўралганларнинг 1/4 қисми (25,0%) “чет элга бўлса ҳам кетишга тайёрлигини, муҳими яхши маош” эканлигини маълум қилган бўлса, 18,0%и республика

ичида кўчиб ўтиши мумкинлигини ва яна 15,0%и вилоятдан чиқмаган ҳолда кўчишини билдирган.

10. “Сизнингча, нисбатан паст маош олиш сабаблари нимада?” деб берилган саволга олинган жавоблар таҳлиliga кўра, иштирокчиларнинг катта қисми мавжуд иш ўринлари учун нисбатан паст маош тайинланаётганини, 1/4 қисми эса иш ўринлари етишмаслигини асосий сабаб сифатида кўрсатган (5-жадвал).

5-жадвал

“Сизнингча, нисбатан паст маош олиш сабаблари нимада?” деб берилган саволга олинган жавоблар (%да)

	Худудлар	Билим, малака ва маълумотга эга эмаслик	Касб-хунарга эга эмаслиги	Иш ўринлари етишмаслиги	Иш ўринлари учун нисбатан паст маош тайинланиши	Меҳнат соҳасида кучли сиёсат юритилмаётганлиги	Ўзининг ҳаракатчан эмаслиги
1.	Жиззах вилояти	19,0	11,0	25,0	49,0	11,0	12,0
2.	Қашқадарё вилояти	16,0	12,0	35,0	51,0	15,0	10,0
3.	Андижон вилояти	22,0	17,0	17,0	11,0	13,0	10,0
4.	Тошкент вил ва шаҳри	19,0	14,0	24,0	52,0	17,0	15,0
5.	Жами	19,0	13,0	25,0	50,0	13,0	11,0

11. Тадқиқотда иштирок этганларнинг бандлик бўйича боқимандалик кайфиятини аниқлаш учун “Яшаб турган ҳудудда давлат ёки жамият ёрдамсиз даромадларни яхшилаш имконияти борми?” деб сўралганида, 1/3 қисми (ёки 31,0%) “ҳа, бемалол имкониятлар бор”, деб жавоб берган бўлса, 58,0%и “қисман бор, лекин ёрдам бўлса турмуш тезроқ яхшиланади” ва 11,0%и “имконият умуман йўқ, ёрдамсиз хароб бўлиш мумкин”, деб жавоб берган.

6-жадвал

“Маош ва даромадни ошириш учун яқин 1-3 йилда қандай чораларни кўриш режалаштирилган?” саволига олинган жавоблар (%да)

	Худудлар	Маълумотни ошириш	Кўшимча касб-хунар ўрганиш	Кредит олиб бирор кўшимча ишни бошлаш	Болаларни таълимига инвестиция киритиш	Давлатдан субсидия, ишсизлик ёки бошқа нафақа олиш	Даромад топишнинг бошқа чораларини кидириб кўриш
1.	Жиззах вилояти	29,0	19,0	28,0	25,0	10,0	46,0
2.	Қашқадарё вилояти	30,0	23,0	25,0	28,0	8,0	38,0
3.	Андижон вилояти	24,0	30,0	27,0	27,0	10,0	32,0
4.	Тошкент вил ва шаҳри	28,0	29,0	23,0	25,0	5,0	48,0
5.	Жами	28,0	24,0	26,0	26,0	8,0	41,0

Хулоса ва таклифлар

1. Сўнгги 5 йилда Ўзбекистонда камбағаллик тушунчаси расмий тан олиниб, унинг чегараси белгиланмоқда. Ва ана шу черагага асосан камбағаллик даражаси ҳам эълон қилинмоқда. Бироқ шу даврга қадар расмий статистика ва бошқа манбаларда мамлакат ва унинг ҳудудларида қанча ишловчи камбағаллар борлиги, уларнинг ўзгариш тенденциялари ва таркиби бўйича даврий маълумотлар келтирилмаган.

Шундан келиб чиқиб, Республика ва ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада кучайтириш, бундан ташқари ушбу йўналишда илмий-

амалий тадқиқотлар ўтказилишига асосий база сифатида кўмаклашиш мақсадида иш билан банд камбағаллик бўйича тўлиқ ва атрофлича маълумотларни қамраб оладиган статистикани йўлга қўйиш, бунинг учун эса 2026 йилда амалга оширилган аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижаларидан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Маълумот учун: 2021 йилда Статистика агентлиги томонидан 10 600 та уй хўжаликларида ўтказилган танлама сўров натижаларига кўра, 17,0 % камбағал уй хўжаликларининг 11,0%ида бир нафар бўлса ҳам ишловчи истиқомат қилган. Шунингдек, уй хўжаликларидан 30,0 %ининг умумий даромадлари бир ойда жон бошига МИХнинг 1,5 баробаригача бўлган, яъни ушбу оилалар камбағаллик тушиш хавфи остидаги оилалар, деб ҳисоблаш мумкин. Бироқ бу танлама кузатув натижалари бўлиб, 2021 йилдан аввалги ва кейинги даврлар учун маълумотлар мавжуд эмас.

2. Иш билан банд камбағал ва паст даромадга эга аҳоли қатлами нисбатан кўпроқ фаолият юритадиган соҳалар, биринчи галда қишлоқ хўжалигида ишловчи камбағалларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш орқали даромадларини кўпайтиришга қаратилган чораларни кўриш зарур. Жумладан, етиштирилаётган маҳсулотларни сотишга кўмаклашиш, салбий иқлим оқибатлари, бозорларда нарх-навонинг тушиб кетиши каби ҳолатлардан таъсирчан суғурта дастурларини киритиш лозим.

Шу ўринда, сўнгги йилларда республикамизнинг баъзи ҳудудларида мавсумий характердаги нарх-навонинг тушиб кетиши ҳамда ички ва ташқи бозорларда талабнинг пасайиши натижасида пиёз, тарвуз каби маҳсулот етиштирувчи аксар деҳқонлар (шунингдек, узоқ муддатга ижарага ер олиб деҳқончилик қилаётган ёшлар) зарар кўрганлиги маълум. Шундай ҳолатда уларга ёрдам кўрсатиш механизмларини ишлаб чиқиш тавсия этилади. Бунинг учун доимий равишда (сўнгги 3-5 йилда) маълум бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб келаётган ва белгиланган тўловларни (солиқ, ер ижараси ва бошқа) ўз вақтида тўлаган ишловчиларга ҳосилни йиғиш билан боғлиқ ҳаражатлари учун субсидия ажратиш тартибини ҳам киритиш мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 23 сентябрдаги 330-сон “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, 2025 йилдан бошлаб МҲТЭКМнинг 1,5 бараваридан кам бўлмаган ойлик иш ҳақи тўланган ҳолда ишга қабул қилинган камбағал оила аъзоси учун ижтимоий солиқни уч йил давомида 1 фоиз ставкада белгилаш тартиби йўлга қўйилган. Бу бир тарафдан нисбатан паст маош билан ишга кирган ишчини қўллаб-қувватлаш бўлса, иккинчи тарафдан “ягона реестр”даги меҳнатга лаёқатли ва ишсиз аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий солиқнинг пасайиши орқали иш берувчиларни қўллаб-қувватлашдир.

Ўзбекистон-2030 стратегиясининг узоқ муддатли ислохотларига 2028 йилдан кейин босқичма-босқич “камбағаллар реестр”идаги ишловчи аҳолининг йиллик даромадлари маълум бир миқдорга етмаган тақдирда ноль ставкада солиқ солиш тартибига ўтиш механизмини татбиқ қилиш мумкин.

Мисол учун, Филиппин қонунчилигида 2018 йилдан бошлаб фуқароларга солиқ солинадиган даромадни минимум миқдори йилига 250,0 минг песо этиб белгиланиб, ушбу қийматдан паст даромад олганлар солиққа тортилмайди. Ёки Буюк Британияда фуқаронинг йиллик даромади 12,570 фунт стерлингга етмаса, у даромад солиғи тўлашдан озод этилади.

Бундан ташқари, келгуси йилларда кам даромадли ва камбағал ишловчи аҳолини қўллаб-қувватлаш мақсадида, уларнинг иш ҳақиға солинадиган солиқни прогрессив шкалага ўтказиш имкониятларини кўриб чиқиш, бунда аҳолини қасддан “камбағал ишчи”га айланиб олмаслиги чораларини ҳам пухта ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқ.

4. Иш билан банд камбағал аҳолини қўллаб-қувватлашда уларнинг иш ҳақиға субсидиялар ажратиш тизимини ҳам йўлга мумкин. Мисол учун, Қозоғистон қонунчилигига кўра меҳнат бозорида тенг рақобатга дош беролмайдиган, ишсиз ва меҳнат органларида фаол иш қидираётган фуқаролар учун маҳаллий меҳнат органларининг сўровига кўра ташкилотларда субсидиялаган иш ўринлари яратилади. Ва айнан мана шу иш ўринларида ишга жойлашган фуқаролар учун тўланадиган иш ҳақининг бир қисми ёки тўлиқлигича давлат томонидан қопланади.

Ушбу механизмни яна бир шакли сифатида ишсиз ва фаол иш қидираётган ҳамда ишсизлик нафақаси олаётган камбағал оила аъзоси ишга жойлашганидан кейинги дастлабки даврларида агар ойлик маоши белгиланган меъёрлардан паст бўлса, ишсизлик нафақасини маълум муддат тўлаш тартибини қўллаш мумкин.

5. Иш билан банд камбағал аҳоли даромадларини оширишнинг узок муддатли ва самарали йўлларида бири — уларни кўпроқ билим ва малака, касб-ҳунар ва олий маълумот эгаллашга бўлган имкониятларини оширишдир. Бу борада камбағал оилада вояга етаётган болалар ёки аёлларга алоҳида эътибор қаратиладиган, уларни тўлиқ қамраб оладиган янги дастурларни йўлга қўйиш яхши самара беради.

Бундан ташқари, ўрта ва ўрта махсус маълумотли ишловчиларни имкониятидан келиб чиқиб онлайн, кечки ва сиртки олий таълимга қамраб олиш, қўшимча, замонавий касбларни эгаллашига тарғиб этиш муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. БМТ янгиликлар маркази: [Электрон ресурс]. — URL: <https://news.un.org/ru/story/2026/01/1467176> (мурожаат санаси: 20.04.2026).
2. Poverty, Income Distribution, Employment, Economic Class and Working Poverty: ILO Publication. [Электрон ресурс]. — URL: <https://www.ilo.org/publications/17-poverty-income-distribution-employment-economic-class-and-working> (мурожаат санаси: 20.04.2026).
3. Стендинг, Г. Прекариат: новый опасный класс / Г. Стендинг. — М.: Маргинем Пресс, 2014. — 328 с.
4. Ravallion, M. The Economics of Poverty: History, Measurement, and Policy / M. Ravallion. — 2016. — 701 p.

5. Клейн, М. Пути выхода из бедности: распространение передового опыта и формирование потенциала – перспективы в области политики сокращения бедности / М. Клейн. — Вашингтон: Публикация Всемирного банка, 2003.
6. Landsberg, B. K. The Working Poor: A Symposium / B. K. Landsberg // *McGeorge Law Review*. — 1990. — № 21(4). — С. 881-894.
7. Всемирный банк. Руководство по сокращению бедности: [Электрон ресурс]. — URL: <https://documents1.worldbank.org/curated/en/523231468762331252/pdf/304050RUSSIAN01ers0Guide01may020031.pdf> (дата запроса: 23.04.2026).
8. Бедность, процветание и планета 2024: Доклад Всемирного банка [Электрон ресурс]. — URL: <https://www.worldbank.org/en/publication/poverty-prosperity-and-planet> (дата запроса: 23.04.2026).
9. Sen, A. *Development as Freedom* / A. Sen. — Oxford: Oxford University Press, 1999. — 366 p.
10. Khandker, S. R. *Public Investment and Poverty Reduction: Evidence from Rural Vietnam* / S. R. Khandker // *World Bank Policy Research Working Paper*. — 2005. — № 3526.
11. Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ILO): расмий веб-сайт [Электрон ресурс]. — URL: <https://weso-data.ilo.org/> (муружаат санаси: 24.04.2026).
12. In-work poverty in the EU: [Электрон ресурс]. — URL: <https://www.europeanrights.eu/public/commenti/BRONZINI13-ef1725en.pdf> (муружаат санаси: 24.04.2026).
13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси: [Электрон ресурс]. — URL: <https://lex.uz/docs/4170045> (муружаат санаси: 28.04.2026).
14. Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси: расмий веб-сайт [Электрон ресурс]. — URL: <https://gov.uz/soliq> (муружаат санаси: 24.04.2026).